

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВАЛЕНТИНА МАТВИЕНКОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонни самимий кутлар экан, Валентина Матвиенкони Россия Федерацияси парламентининг юқори палатаси раиси лавозимига қайта сайлангани билан табриклади ҳамда ушбу масъулиятли фаолиятида муваффақият тилади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари бугун юксак даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқотлар, Россия Президентининг ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимизнинг кенг кўламли ҳамкорлигини кенгайтиришга кучли суръат бағишлаб, уни аниқ мазмун билан бойитди.

Валентина Матвиенко, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломини ва эзгу тилакларини etkazди.

Россия парламенти делегациясининг ушбу ташрифи мамлакатларимиз кўп қиррали ҳамкорликни янада мустахкамлашга қатъий интиляётганининг навбатдаги тасдиғи экани таъкидланди.

ЎЗА

## ВАЛЕНТИНА МАТВИЕНКО:

### ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг оммавий ахборот воситаларига интервью берди:

– Ўзбекистон раҳбари билан суҳбатимиз гоё сермазмун бўлди. Биз Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигининг деярли барча йўналишларини муҳокама қилдик, бир қатор долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдик. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўзлаб берди. Россия билан ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам айна янгиланиш жараёнига ҳамоҳанг экани аниқ. Тўғриси айтсам, кейинги уч йилда Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар, турли соҳаларда эришилаётган юқори натижалар менда ёрқин таассурот қолдирмоқда.

Бугунги Ўзбекистон мутлақо бошқача, очик мамлакат. Президент Шавкат Мирзиёев белгилаб берган устувор йўналишлар жуда аниқ, тўғри танланган. Ўзбекистон ушбу йўналишлардан оғишмай бораётгани тўғрисида иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда юксак марраларга эришмоқда. Президентга ҳамма қулоқ соляпти,

ЎЗА

Учрашувда икки томонлама муносабатлар, шунингдек, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, транспорт-логистика, агросаноат, илмий-техник соҳаларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришда, таълим ва маданий-гуманитар алмашувларни кенгайтиришда икки мамлакат парламентларининг фаол иштирокига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Халқаро парламентларо ташкилотлар доирасида ҳамкорликни мустахкамлаш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Федерация Кенгаши Раиси кўп қиррали Ўзбекистон – Россия муносабатларини ҳар томонлама мустахкамлаш мақсадида парламентларо алоқаларни изчил ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Валентина Матвиенко жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайловлар муваффақиятли ўтишини тилади.

## ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни йўл хўжалигини ривожлантириш ва ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда жами юқларнинг 98 фоизи ва йўловчиларнинг 88 фоизи автомобиль йўллари орқали ташилади. Кейинги йилларда юртимиз экспортида тайёр маҳсулотлар улуши кўпайиб бормоқда. Келгусида уни янада ошириш режалаштирилган. Товарларни манзилга тез ва сифатли etkazиш учун эса ривожланган йўл инфратузилмаси керак.

Йиғилишда ушбу соҳани ривожлантириш, қурилиш лойиҳаларини барқарор молиявий манба билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Автомобиль йўлларини қуриш ёки таъмирлаш ишларига халқаро ташкилотлар ва хусусий шерикларни фаол жалб қилиш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, халқаро ва давлат аҳамиятига молик 1 минг 600 километрик йўللarga доир 18 та йирик лойиҳани шундай ҳамкорлик асосида амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ички йўлларни таъмирлашда ҳудудларнинг иштироки сезилмаётгани қайд этилди. Молия вазирлигига республика бюджетидан фақат умумий фойдаланишдаги йўллarga, ички йўллarga эса маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш тартибини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Хорижий давлатларда йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикчилик ривожлангани қайд этилди. Йўл бўйи инфратузилма объектларини бериш орқали лойиҳаларга инвесторларни жалб қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга давлат-хусусий шерикчилик асосидаги лойиҳалар доирасида йўл бўйи объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш топширилди.

Реклама қурилмаларини умумий фойдаланишдаги йўллarga жойлаштириш учун рухсат бериш ваколатини Автомобиль йўллари қўмитасига ўтказиш тақлиф этилди.

Умуман, автомобиль йўллари соҳасини тубдан ислоҳ қилиш учун манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузиб, 2020-2030 йилларда Автомобиль йўллари ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Бу стратегияда, аввало, автомобиль йўллари бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари белгиланади.

Ҳозирги пайтда Автомобиль йўллари қўмитасида ҳам бююртмачи, ҳам пудратчи, ҳам эксплуатация қилиш функциялари тўпланиб қолгани оқибатида тизимда-

ги корхоналар халқаро лойиҳаларда иштирок эта олмаяпти. Шу боис, қурилиш ташкилотларини қўмита таркибидан чиқариб, улар негизда “Ўзавтойўл” акциядорлик компанияси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, хусусий шериклар иштирокида тезкор автобанлар қуришга катта эътибор қаратилади.

Давлатимиз раҳбари йўллар сифатини ошириш ишларини лойиҳалаштиришдан бошлаш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун лойиҳа ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техник базасини ва кадрлар таркибини мустахкамлаш бўйича кўрсатма берилди.

Германиялик ҳамкорлар билан биргаликда автомобиль йўллари қурилиши соҳасида қўшма лойиҳа институтини ташкил этиш, юртимиз иқлими ва қатнов хусусиятларини ҳисобга олиб, йўл қурилиши соҳасидаги норматив ҳужжатларни тубдан қайта қўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Масалан, мамлакатимизда йўл қуришда ханузгача асосан асфальт-бетон ишлатилади. Бундай йўлларнинг хизмат мuddати 10-15 йил бўлиб, 4-5 йилдаёқ таъмирталаб аҳолга келиб қолади. Цемент-бетон қопламали йўлларни қуриш 15-20 фоизга қиммат бўлса-да, эксплуатация мuddати 2-3 баробар кўп ва сақлаш

харажатлари 3 баробар кам. Юртимизда цемент ишлаб чиқариш ҳажми ортаётганини инобатга олиб, янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган давлат аҳамиятига молик йўлларни босқичма-босқич цемент-бетон қопламга ўтказиш бўйича топшириқлар берилди. Яна бир муаммо йўлларни мониторинг қилиш бўйича автоматлашган тизим йўқлиғидир. Қайси йўлдан қанча оғирликдаги юк ташиш мумкинлиги ҳаммага маълум эмас. Меъёрдан ортиқ оғирликда юк ташувчи автотранспорт воситаларининг харажати назорат қилинмаяпти.

Шу боис, йиғилишда барча йўлларнинг электрон базасини шакллантириш, махсус автоматлашган ўлчаш воситаларини ўрнатиб бўйича дастур ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди. Хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, йўл бўйи инфратузилмасини халқаро андозалар асосида лойиҳалаштириш, халқаро йўлларда сифатли сервисни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Қатор кўприклар таъмирталаб, айримлари умуман эгасиз экани танқид қилиниб, барча кўприкларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, уларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратилиб, соҳадаги институтларни йирик лойиҳаларга бириктириш, улар доирасида илмий ходимлар учун синов майдонлари ва тадқиқот лабораториялари ташкил қилиш, иқтидорли талабаларнинг хорижда малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

## КАНДАКОРЛИК — НОЁБ ХУНАР

марғилонлик хунарманд уни  
ёшларга ўргатмоқда

Шундай хунармандлар борки, унинг моҳир кўлларида бунёд бўлган буюмни беихтиёр санъат асарига менгайсиз. Айниқса, мисдан юксак маҳорат ва нозик дид билан ясалган буюмларни хунармандчилик расталарида кўрсак, ундан кўзимизни узоқ қилишимиз рост. Афсуски, мисгарлик хунарини ардоқлаб, авлоддан авлодга мерос қилиб қолдираётган хунармандлар жудаям озчиликни ташкил қилади. Илгари халқимиз оилада мисдан қилинган идишлардан фойдаланишган. Миснинг инсонга фойдали томонларини билганларини учун шундай қилишган экан. Тараққиётнинг шиддатли тус олгани сабаб бўлса керак, бугун мисгарлик буюмлари асосан безак учун харид қилинмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Халқаро хунармандчилик

фестивали бўлиб ўтган Қўқон шаҳрида бир пайтлар Мисгарлик маҳалласи бўлган. Бу маҳаллада мисгарлар яшаб, турли совгабоп буюмлар, санъатта дахлдор асарлар, уй-рўзгор буюмлари ясаб билан машғул бўлган. Вақтлар ўтиб ва маҳаллада ҳам мисгарлар, кандакорлар деярли қолмаган эди. Бугунга келиб, йўқолиб арасидаги бу хунарни тиклаш, ривожлантириш ишлари амалга ошириляпти.

Хунармандчилик соҳасида нафақат водий, балки бутун мамлакатда Қўқон билан Марғилон катта муваффақият қозонгани тарихдан маълум. Марғилонлик хунарманд Абдулҳамид Мадамшино мисгарлик ва кандакорликда шуҳрат қозониб келаётган хунармандлардан саналади.

(Давоми 4-саҳифада)



## Ҳосил қувончи

Бекобод туманининг Ўзбекистон маҳалласи ҳудудидаги Абдулла Турсунов бошқача боғдорчилик фермер хўжалигининг 15 гектар ерида анор, беҳи, олхўри, шафтоли каби мевали дарахтлар парваришланмоқда. Айни пайтда бу ерда пишиб, етилган мевалар кўзни қувонтиради. Фермер хўжалиги аъзолари келгусида экин майдонларида серҳосил, экспортбоп мевали дарахтларни кўпайтириш ҳаракатида. Суратда: Боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Турсунов боғ ҳосилидан мамнун.

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олинган сурат.

## Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси

тармоқни замон талаблари даражасига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади

Жорий йилнинг 6 сентябрь куни Президентимиз ҳузурда ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинган ишлаб чиқиладиган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, унда белгилаб берилган етти та устувор йўналиш борасидаги долзарб мавзу бугун вилоятда ҳам кенг муҳокама қилиниб, унинг ижросини таъминлаш борасида кечиктириб бўлмайдиган зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу борада Наманган вилояти ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Тоҳиржон Рапиқов мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

Отам бир умр ер билан тиллашиб, диллашиб кам бўлмади. Ҳар қаричи тиллога тенг саховатли она заминимиз ҳақида ҳикоятларни қулогимизга қуявериб,

унга меҳр уйғотди. Ҳақиқатдан ҳам инсон улғайиб, дунёни таниб боргани сайин ўз юртини, киндик қони томган она заминни бошқа жойларга қийслай бошлар экан.

Мен ҳам шу ёшимда кўлаб хорижий мамлакатларни кўрдим ва бир нарсга амин бўлдимки, Президентимиз кўп бор таъкидлаганларидек, ҳақиқатдан ҳам Яратган бизга ҳар қаричи олтинга тенг бу саховатли заминда меҳнат қилиш, ризқ-рўз яратиш, бахтли-саодатли умргузаронлик қилишдек улғур нъматни муяссар қўрган. Аммо тан олишимиз кераки, Президентимиз ҳузурдаги йиғилишда таъкидланганидек, қишлоқ хўжалиги ерларидан, сувдан, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги статистикасини тўлиқ рақамлаштириш масалаларида амалга ошираётган ишларимиз замон талаби даражасида, деб бўлмайди. Давлат харидлари тизими-

ни такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги экспорт салоҳиятини ошириш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, илм-фанга асосланган ҳолда салоҳиятини ошириш борасидаги қатор долзарб масалалар бугун ўз ечимини кутмоқда.

Халқимизда “Ер – ҳазина, сув – гавҳар”, деган нақл берога айтилмаган. Қаердаки ерга меҳр бериб, ундан, сувдан унумли, тедаб-тергаб фойдаланилган бўлса, уша ерда ободлик бўлади, дастурхонлар тўкин, одамлар фаровон яшайди. Шундай экан, биз ҳам бундан-да яхши ҳаёт кечиришимиз учун энг аввало ерга, сувга, меҳнатга, янгиликларга

бўлган муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз зарур. Факт ва рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, вилоятимизда 252 минг гектар суғориладиган ер бўлиб, унинг 63,4 минг гектарини пахтазор, 75 минг гектарини ғаллазор, 31,9 минг гектарини аҳоли томорқалари, 81,7 минг гектарини бошқа экинзорлар ташкил этади. 2019 йил суғориш мавсуми учун 2 миллиард 284 миллион метр куб сув лимити ажратилган. Сув ресурсларининг 95 фоизи Норин ва Қорадарёлардан ҳосил бўлувчи Сирдарё ва кичик сойлар, сувий каналлар, насос станциялари орқали катта сарф-харажати минг бир машаққат эвазига etkazиб берилади. Шунинг учун ҳам сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғоришда назоратни кучайтириш, тартиб-интизомга риоя қилиш, суғоришни қуйидан бошлаш, эгат оралатиб суғориш, ўқариқлар ораллигини 50-60 метрдан оширмаслик, “шарбат” усулида суғориш каби чора-тадбирларни кўраямиз.

(Давоми 2-саҳифада)

Бухоро вилояти

Қутчида шамол электростанцияси қурилади

Мамлакатимизда иқтисодийнинг барча тармоқларини изчил ва замонавий технологиялар асосида ривожлантириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Бу каби саноат-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда Бухоро вилоятини ҳам обод қилмоқда, кўркам бино ва иншоотлар, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилмоқда. Шубҳасиз, бу каби бунёдкорлик ишлари юртимиз тараққиёти ва халқимиз турмуш даражасини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқаларни ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Икки мамлакат ўртасида имзоланган келишувларга мувофиқ, Бухорода яна бир муҳим воқеа – Хитойнинг йирик "Liaoning leader" корпорацияси томонидан 1 – босқичда 240,0 миллион АҚШ доллари

қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция йўналтириш ҳисобига 200 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган шамол электростанцияси қурилишига старт берилди. Ёқудувон туманидаги Қутчи массивида малакатимизда биринчи ва ягона ҳисобланган шамол электростанцияси лойиҳаси бўйича шамол тезлигини ўлчаш қурилмаси, маёқлари ишга туширилди. Шу муносабат билан соҳага тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарлари, хориж давлати корпорацияси мутасаддилари, вилоят ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида тадбир ташкил этилди. Унда сўз олганлар истиқболли лойиҳанинг мамлакат ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини алоҳида эътироф этдилар.

– Биз мазкур лойиҳа бўйича жорий йил 30-31 март кунлари ўтказилган "Bukhara investment forum-2019"

халқаро анжумани доирасида ўзаро меморандум имзолаган эдик. Ўзбекистон раҳбари ва Хитой Халқ Республикаси раиси ўртасидаги олий даражадаги дўстона муносабат сабаб ҳамда "Бир макон – бир йул" тамойили асосида олиб борилаётган ҳамкорлик натижасида икки томонлама манфаатли алоқалар янги босқичга кўтарилмоқда. Ушбу лойиҳа асосида Ўзбекистонда энергетика соҳасида бутунлай янги давр бошланди, десак ҳеч муболага бўлмади. Шунингдек, лойиҳани пухта ўрганиб чиқиш, зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва Ҳукумат даражасида қўллаб-қувватлашда яқиндан ёрдам кўрсатилганлиги учун Ўзбекистон ҳукуматига ўз миннатдорчилигини билдираман, – дейди "Liaoning leader" корпорацияси президенти Чжан Юйлан.

Дарҳақиқат, ушбу лойиҳа бўйи-



Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси

тармоқни замон талаблари даражасига олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади

(Боши 1-саҳифада)

Шунга қарамадан, Нориндарё ва унга сув ичадиган Учқўрғон, Уйчи, Наманган, Норин, Мингбулоқ, Поп, Тўрақўрғон туманлари мавсум давомида юз берадиган сувнинг сунъий тебранишлари тусфайли қатор қийинчиликларга дуч келишмоқда. Электр энергиясидаги узлишлар сабаб қатор каскад насос станцияларининг 4-8 соатлаб ишламай туриши ҳолатлари юз бераётди.

Ингилишда таъкидланганидек, жаҳон сув ресурслари институти таҳлилларига кўра 2040 йилга бориб, Ўзбекистон сув ўта танқис бўлган 33 та мамлакат қаторига кириши мумкин экан. Қолаверса, бугун мамлакатимиздаги мавжуд экин майдонларига йўналтирилган сувнинг 40 фоизи сугориш жарёнида исроф қилинаётганлигини назарда тутадиган бўлсақ, Европанинг илгор мамлакатларида аллақачон фойдаланиш коэффициенти 80-85 фоизга етган томчилатиб сугориш технологиясини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш фурсати етди.

Бу борада жорий йилда ҳам муайян ишлари амалга оширишга муваффақ бўлди. Мингбулоқ, Косонсой, Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чуст, Янгиқўрғон туманларидаги пахтачилик ва боғдорчилик фермер хўжалиқларига қарашли қарийб 1300 гектар майдонда томчилатиб сугориш тизими жорий этиш режалаштирилган бўлиб, шу кунгача 859 гектарда ишга туширилди. Келгуси йили эса бу кўрсаткични 16213 гектарга етказиш тадбири қўрилмоқда.

Вилоятда аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, ўрғанилмалар бозорларга ҳам кириб бориш, экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан ҳам зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Асосий эътибор мавжуд ерлардан самарали фойдаланишга қаратилган. Масалан, ўтган йили 53 минг 888 гектар майдондаги тақрорий экинлардан 327 минг 261 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, унинг 80 минг 150 тоннаси экспорт қилинган бўлса, жорий йилда эса 87 минг 452

тонна маҳсулот экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, чет элларда бозори чаққон гилос, узум, ёноқ, бодом, олма, нок, беҳи, ўрик, шафтоли, олхўри, анор, анжир, хурмо, лимон, мандарин, қулпнай, малина каби боғлар майдони ҳам йилдан-йилга кенгаймоқда. Шунингдек, 710 гектар ерда интенсив боғлар ташкил қилинган. Сабзавот ва полиз етиштириш салмоғи ҳам 490 минг 836 тоннадан ҳам мўлроқ бўлиши кўтилмоқда.

Бугунги кунда вилоятимизда фаолият юритаётган 15 та агрокомпаниялар ҳар томонлама афзалликларини намаёнот этмоқда. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар тарзида ички ва ташқи бозорларни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, инвестициялар олиб кириш, ўзларининг тасарруфидоги хўжалик, ишлаб чиқариш корхоналари учун етук кадрлар захирасини яратиш борасида изланмоқдалар.

Айни пайтда вилоятимизда кооперация хизматларини самарали йўлга қўйиш борасида ҳам муайян ишларга киришилди. Жорий йилнинг 19-20 сентябрь кунлари Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан қишлоқ хўжалиги бирлашмалари (кооперациялар) фаолиятини самарали йўлга қўйиш мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Мухтасар қилиб айтганимизда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида акс этган 7 та устувор йўналиш – иқтисодийнинг "драйвери" сифатида барчани эскича ишлаш фойдаланиш ҳалоси экани. Халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлида фойдаланиб кўрсатиб меҳнат қилишга ундади. Зотан, ерини авайлаган, унга меҳрини берганга она замин саховат сандигини очади, бисотидаги яширин бойликларини сочади. Буни йилдан-йилга ривожлантириш, юртимиз, вилоятимиз мисолида ҳам қўриш мумкин.

Сухбатни мухбиримиз Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ ёзиб олди.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё...

Тошкент вилояти

"ПАХТА ТЕРАВЕРАМАН, ҲЕЧ КИМ ХАЛАҚИТ БЕРМАСИН!", – дейди пискентлик 92 ёшли Қўйсиний момо Анорбоева, унга "сизни ким мажбур қилди?", дея безовта қилганлардан хафа бўлиб

Онахонни муҳокама қилаётган, вилоят ҳокимлигини айблаганлар, сизнинг бунга вақтингиз етарлича бўлса керак, лекин пахта теримига ўз оиласига беш-тўрт сўм пул топиш, рўзгорини бутлаш учун чиқаётганлар сизнинг постларингизни барибир ўқимайди. Сиз интернетта шўнгангиз паллада улар шукроналик билан терган пахтасининг пулини ҳисоб-китоб қилаётган бўладилар.

Эсимда, хориқимиз 90 ёшдан ошган отахон асаларичилик билан шуғулланаётгани, яна ёши улуг бир аёл денгиз бўйида балиқ тозалаб сотаётгани ҳақидаги лавҳалар жуда хайрихоҳлик билан матбуотда ибрат қилиб кўрсатилган

эди. Биз эса, 92 ёшли онахон пахта теримига чиққанидан иллат излаяпмиз. Қанчалик тирноқ орасидан кир қидиручимиз-а? Шу ёшдаги онахонни кимдир пахтага чиқинг, дейиши мумкинми? Онахон ўз ихтиёри билан теримга

чиқди. Қолаверса, меҳнатига яраша рағбатга ўрганиб қолган. Ўтган йили теримда газ плитаси олган экан. Бу йил телевизор ва бошқа бир қанча совғаларга эга бўлди. Буёғини сўрасангиз, уйда муомалага лаёқатсиз қизи ва худди шунга ўхшаш 22 ёшли набираси билан бирга яшайди. У ҳар йили пахта теримдан манфаат куриб ўрганган. Шу босқичдан мавсумни кутади. Мавсумда онахонни уйига боғлаб қўйиб ҳам, пахтадан қолдиролмайсиз, барибир чиқаверадилар.

Онахон кўп қаватли уйда (яъни домда) яшайди. Қўй-

синий Анорбоева, бировдан эхсон кутмай, кучи етганича, саломатлиги кўтарганича ҳаракат қилаяпти. Онахонга мутасаддилар пахтага чиқманг, одамлар гап қилаяпти, деса, гапчилардан қаттиқ хафа бўлди. Қани, қўлингиздан келса, унинг тақдирини ўзгартириб қўюласизми, ноғирон, ақлан заиф болаларини тузатиб берингиз! Ҳурматли муҳокамачилар! Сиз аямая, қишлоқдагиларга, жумладан, ушбу онахонга телевизор керакмас, деб камситабтанлар аслида меҳнатни шараф, деб биладиган, умр бўйи шу шарафдан маскур яшайдиган

ҳазрати инсонлар. Сиз тўғри дейсизми, нотўғри дейсизми, Қўйсиний онахон ўз ҳақиқатлари бор. У "то танамда кучим бор экан, мени ҳеч ким пахтазордан қувиб чиқаролмайди, агар яна қанча умр кўрсам, худо қодир қилса, ҳар мавсумда барибир пахтага чиқавераман. Бугунги ёмғир ичимга ёққандай бўлди, қанча пахта ёмғирда қолди", дейди ачиниш билан. Онахонни муҳокама қилаётган, вилоят ҳокимлигини айблаганлар, сизнинг бунга вақтингиз етарлича бўлса керак, лекин пахта теримига ўз оиласига беш-тўрт сўм пул топиш, рўзгорини бутлаш учун чиқаётганлар сизнинг постларингизни барибир ўқимайди. Сиз интернетта шўнгангиз паллада улар шукроналик билан терган пахтасининг пулини ҳисоб-китоб қилаётган бўладилар.

Шоира РАДЖАБОВА, журналист.

СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАР:

Деҳқоннинг кучига-куч, шижоатига шижоат қўшмоқда

Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган туб ислохотлар натижасида жорий йил қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам тарихий юксалиш йили бўлди. Айниқса, Президентимизнинг соҳани янада ривожлантиришга қаратилган тарихий қарор ва фармонлари, яратилган мустақкам ҳуқуқий база мазкур йўналишни янги босқичга олиб чиқишни кафолатлади.

Бунинг пировардида, стратегик аҳамиятга эга бўлган тизимда юксак натижаларга эришилди. 2017 йилдан эътиборан мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни кенг нишонланаётгани ҳам аграр тармоқда меҳнат қилаётган жонқуяр ва заҳматқаш деҳқон ва фермерларнинг кучига-куч, шижоатига шижоат қўйди. Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, "Бу соҳанинг меҳнати қанчалик шарафли, нони эса, қанчалик тотли ва ширин эканини барчамиз яхши биламиз. Шу маънода, деҳқон бу – ҳаётнинг бакуват устуни, тирикликнинг мустақкам таянчи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди".

Бу эътибор ва эъзоздан руҳланган Навоий вилояти миришкорлари ҳам қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида пешқадам бўлиб, республикада илгорликни қўлдан бермай келмоқда. Хусусан, кластерларимиз орқали пахтачиликда даромадимиз 2017 йилга нисбатан 2018 йилда 82,2 миллиард сўмга ошиб, фермерларимиз 2018 йилни 58,3 миллиард сўм фойда билан яқунлади. Шунингдек, фермер хўжалиқлари пахта ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун олдин банкдан йиллик 3 фоиз устам тўлаш шарти билан имтиёзли кредитлар ажратилган, бугунги кунда бу жараён Пахта

тўқимачилик кластер корхоналари томонидан фозисиз молиялаштирилиб борилаётган. Кластер корхоналари томонидан фермер хўжалиқларига гўзани озиклантириш учун хориждан фосфорли ўғитлар келтирилиб, тарқатилди. Фермер хўжалиқлари 8 та чопиқ трактори, 60 та культиватор, 60 та ҳайдов трактори, 40 та чигит экиш севякаси ва 40 дан ортиқ қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган агрегатлар 2 йил муддатда фозисиз пахта яқуний ҳисоб-китобларидан тўлаш шарти билан тарқатилди. Шунингдек, пахта тўқимачилик кластер корхоналари томонидан агрономлар ишга олиниб, улар фермер хўжалиқларига яқиндан амалий ёрдам бериб келмоқда.

Шу билан бирга, фермер хўжалиқлари далаларида меҳнат қилаётган механизаторларга дам олишлари учун барча кулайликларга эга бўлган 48 та "механизатор уйи" қурилди. Вилоятимизда айни пайтда 2655 та фермер хўжалиги бўлиб, улар бугунги кунда 10 дан ортиқ йўналишларда самарали фаолият юритмоқда. Эътироф этиш жоизки, қишлоқ хўжалигини аграр соҳадан индустриал санаот соҳасига айлантириш борасида салмоқли ишлар олиб борилаётган. Вилоятимизда пахтачилик, галлачилик, пиллачилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, боғдорчилик, балиқчилик, асаларичилик ва паррандачилик йўналишлар

рида эришилган ютуқлар, яратилган мўл ҳосил соҳага илмий ёндашувнинг амалий ифодаси бўляпти. Вилоятимизда пахтачилик, галлачилик, мева-сабзавотчилик, боғдорчилик ва иссиқхоналарнинг экин майдонлари, уларнинг ҳосилдорлиги, экинларнинг жойлаштирилиши, олинандиган ҳосил миқдорлари ва уларнинг маблағлари бўйича ҳисоб-китобларнинг юритилиши бўйича agroonline.uz электрон дастури жорий қилинган бўлиб, ушбу дастурга деҳқончилик бўйича барча маълумотлар киритиб борилаётган. Бу эса вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китобларини юритишда аниқлик ва қўлайликлар яратилишига асос бўляпти.

Вилоятда пахтачилик ва галлачиликка ихтисослашган фермер хўжалиқларининг кўп тармоқли фермер хўжалиқларга айлантириш, пахтачилик ва галлачиликдан олинандиган даромадларга бошқа соҳалардан ҳам даромадлар қўйиш ва қўшимча янги ишчи ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида жорий йилда жами 718 та фермер хўжалиқларига 35 990 бош парранда ва 2018-2019 йилларда 567 та фермер хўжалиқларига 2714 қўти асалари уялари тарқатилди. Бунинг натижасида 1300 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Вилоятимизда 238 та қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан жами

530,6 гектар майдонда иссиқхоналар ташкил қилинган бўлиб, ушбу иссиқхоналарда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда ва юртимиз бозорларини тўлдираришда миришкор-деҳқонларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Жорий йилда галлакорларимиз давлатта бугдой сотиш режасини 117 фоздан ошириб бажардилар. Фермер хўжалиқларимиз давлатта топширилган бошоқли дон ҳисобидан 173 миллиард сўм даромад олиб, галла ҳосили етиштириш харажатларидан ташқари 60 миллиард сўмдан ортиқ соф фойда олди. Бундан ташқари, 128 минг тоннадан ортиқ бошоқли дон хўжалиқларнинг ўз ихтиёрида қолди. Вилоятимизда қишлоқ хўжалигининг ибратли мактаби яратилганлиги, соҳада катта тажриба тўпланганлиги улкан зафарлар қўлга киритилишига мустақкам асос бўлди. Қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан боғдорчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик йўналишларида ҳам эришилган ютуқлар салмоғи ҳар йилгидан самарали бўлмоқда. Айниқса, вилоятимизда жорий йилда барча тоифадаги хўжалиқлар томонидан 42 376 гектар майдонларга сабзавот, полиз, дукхаки ўсимликлар ҳамда озуқабоп экинлар экилди. Аҳамиятлиси, мазкур маҳсулотлар галладан бўшаган 35 149 гектар майдонларга тақрорий экин сифатида экилди. Бугун майдонларимизда парваришланаётган тақрорий экиндан 354,3 минг тонна ҳосил етиштирилиши, бунинг натижасида 258 миллиард сўм миқдорда даромад олиниши кутилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида

Бу соҳанинг меҳнати қанчалик шарафли, нони эса, қанчалик тотли ва ширин эканини барчамиз яхши биламиз. Шу маънода, деҳқон бу – ҳаётнинг бакуват устуни, тирикликнинг мустақкам таянчи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Ш.МИРЗИЁЕВ

мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармони мувофиқи, Нурота ва Хатирчи туманларида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кластерлар ташкил этилди. 2020 йилда Нурота туманида 1350 гектар галла экинлари ўрнига боғ ва узум экиш режалаштирилди. Кластерлар томонидан етиштирилган маҳсулотлар йиғиб олинди, қайта ишлашга ва экспортга йўналтирилди. Хатирчи туманидаги "Хатирчи томорқа хизмати" МЧДК томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 5000 тонна қуватдаги қайта ишлаш корхонаси, битта мева сабзавот маҳсулотларини қadoқлаш цехи ташкил этилмоқда. Жорий йилда вилоятимизда 79 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва бошқа тижорат соҳаларидаги 372,7 миллиард сўмлик лойиҳалар ишга туширилиб, 541 та янги иш ўрни яратилди. Шундан 5 та лойиҳага 7 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритилиши ҳисобидан ташкил этилди. Хусусан, 1 та вино ишлаб чиқариш, 1 та насли қўйчиликни ривожлантириш, 2 та венгер карп балиқ турини кўпайтириш ва 1 та замонавий иссиқхона ташкил этиш шулар жумласидандир. Соҳани янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларимиз салмоғи анча юқори. Жорий йил якунига қадар 83,3 миллиард сўмлик яна 48 та лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Эътиборлиси, бу лойиҳаларнинг фаолият бошлаши муносабати билан яна 194 та янги иш ўрни яратилади.

Қишлоқ хўжалиги янги технологияларни жорий этиш соҳани янада тараққий эттиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилда 5 та фермер хўжалиги томонидан 251 гектар пахта майдонлари томонидан етиштириш технологиялари ташкил қилинди. Ушбу фермер хўжалиқларида 2 008,0 миллион сўм миқдорда субсидиялар ажратилди. Шунингдек, келгуси йилда 28 та фермер хўжалигидаги 773,4 гектар пахта майдонларида томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилган. Техника деҳқоннинг қаноти дейилади. Биргина жорий йилнинг биринчи ярим йилгида қиймати 18 081,0 миллион сўм бўлган 151 дон қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида сотиб олинди. Бугун бу агрегатлар фермернинг юқини енгил қилиб, юқори ҳосил гарови бўлмоқда. Жорий йил қишлоқ хўжалиги соҳасида вилоятимизнинг барча туманлари деҳқонлари ибрат намуналарини кўрсатдилар. Қизилтепа туманидаги "Валиобод" ва "Сафаробод боғи", Кармана туманидаги "Баҳром Ризо", "Аслидин Асадбек келажак", Навбахор туманидаги "Қириқ", Нурота туманидаги "Катта овул", Хатирчи туманидаги "Қўрғонтепа келажак сари", "Истиқлол зар даласи" сингари қатор фермер хўжалиқлари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида самарали натижаларга эришди. Биз албатта, улар билан фарҳанамиз, Зеро, меҳнатқашининг элда азизлиги айнан ана шу мезонга асосланади. Алишер РАШИДОВ, Навоий вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига

# Ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан

## МУРОЖААТНОМА

Йиллар давомида аҳолини арзон ун ва нон билан таъминлаш масаласи ғалла етиштириш ва уни қайта ишлашнинг давлат томонидан қатъиян бошқарилиши ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган ғалланинг бозор нархларига нисбатан паст нархларда харид қилиш тамойиллари асосида ҳал қилиниб келинди.

Натижада, фермер хўжаликларининг ҳосилдорлигини ошириш ва ғалла етиштириш ҳажмини кўпайтиришга қизиқиши пасайиб, харажатларни фақат давлат томонидан ажратилган имтиёзли кредитлар доирасида амалга ошириб, кўшимча даромад олиш учун ўз маблағларини йўналтиришдан манфаатдорлиги бўлмади.

Шу билан бирга, арзон уннинг катта қисми амалда аҳолининг тегишли қатламларига етиб бормасдан бозор нархларида сотилди, яъни қўйилган мақсад – аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимояси таъминланмади. Ўз навбатида донни қайта ишлаш корхоналарида ва савдо ташкилотларида суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Сўнги уч йилда барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам олиб борилаётган ислохотлар натижасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилда

республикаимиз фермерлари томонидан 7 млн. тоннадан ортиқ ғалла етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик гектаридан 65 центнердан ошишига эришилди ҳамда давлат ресурсларига кўшимча 532 минг тонна ғалла қабул қилинди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан бир тонна ғалланинг харид нархи 1 млн. 200 минг сўм миқдорида белгиланиши ва ҳосилдорликдан келиб чиқиб 25 фоизгача устама ҳақ тўланиши натижасида ғалланинг ўртача нархи 1 млн. 420 минг сўмни ташкил этди. Бир сўз билан айтганда фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлиги ошиб, ҳосилдорлик ўсди ва фермерлар тарихда биринчи мартаба ўз меҳнати самарасини кўрдилар.

Лекин, ғалла харид нархлари бозор нархларига яқинлаштирилган шароитда, бир қатор дон корхоналари фермер хўжалиқларидан қабул қилган ғалла учун ҳисоб-китобни яқунга еткази олмаптилар.

Бунинг сабаби дон корхоналари бугдойни бозор нархида харид қилиб, қайта ишлашдан тайёрланган уннинг 1 килоси учун 1400 сўмдан, яъни Ҳукумат томонидан белгилаб қўйилган қатъий нархда сотишлари билан изоҳлашмоқдалар. Дон корхоналари,

зарар кўраётганлиги сабабли, фермерлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қила олмаптилар.

Бундай ҳолат дон корхоналарида ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бозор иқтисодиёти механизми йўлга қўйилмаганлиги, маҳсулот етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи ўртасида тизимли занжир яратилмаганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Фикримизча, давлат харидлари бўйича фермерларнинг ғалласига паст нарх белгилаб, унинг арзон баҳода сотилиши механизми фермерлар ва дон корхоналарига иқтисодий манфаатдорлик келтирмайди. Уларни ғалла ҳосилдорлигини оширишга рағбатлантирмайди.

Шунингдек, айрим ижтимоий тармоқларда ёзилган салбий ҳолатлар, яъни фермерларимизнинг сермашаққат меҳнати маҳсули бўлган ноннинг фақат инсонлар истеъмоли учун эмас, баъзи ҳолларда қорамол, қўй ва балиқ боқиб учун фойдаланаётгани халқимизнинг асрлар давомида “ноннинг увоғи ҳам нон”, деб амал қилиб келган қадриятига тамоман зиддир.

Энг муҳими, ғалла етиштирувчи фермерларнинг ўз меҳнатлари маҳсули бўлган доннинг нархи ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини сотиш тизими бозор механизмлари асосида шакл-

ланмаганлиги уларнинг эртанги кунга тўлиқ ишонч билан қарашларига имкон бермаяпти.

Нархларнинг эркинлаштирилиши бозордаги дон ва ун нархининг маълум даражада ошишига, бу эса ўз навбатида ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли харажатларининг ошишига олиб келишини яхши тушунамиз. Шу сабабли бу ижтимоий масала ҳам Ҳукумат томонидан зудлик билан кўриб чиқилиши ва тегишли чоралар белгиланиши керак деб ҳисоблаймиз.

Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи заҳматкаш деҳқонларимизнинг ғалла етиштиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш, уларнинг ўз меҳнатларига яраша даромад олишлари ва шу орқали уларнинг ғалла етиштириш ҳажмларини кўпайтиришга қизиқишлари ортисини таъминлаш мақсадида:

1. Давлат томонидан ғалла етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналарига имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини янада такомиллаштириш;
2. Фермер хўжалиқларида ғалла етиштириш учун талаб этилаётган ёқилги мойлаш маҳсулотлари,

минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа ресурсларни етказиб беришни тўлиқ бозор механизмларига ўтказиш орқали ушбу тизимни тубдан такомиллаштириш;

3. Фермер хўжалиқлари, дон корхоналари ва истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич бозор механизмларига ўтказиш;

4. Ғалла, ун ва ноннинг нархи эркинлаштирилиши жараёнида аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини ҳимоялашга қаратилган тизимли чораларни амалга ошириш;

5. Ривожланган давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда, республикада ғаллага харид нархи белгилаш амалиётидан босқичма-босқич воз кечиб, бозорда шаклланган талаб ва таклиф асосида эркин нархларда сотиш тизимини яратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

### ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИ

**Шароф Рашидов туманида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.** Туманда 33 минг 215 та хонадон бўлиб, улар бир минг етти юз ўн бир гектар томорқа майдонига эга. Ҳеч кимга сир эмаски, мазкур майдонлардан ҳар ким билганича, иштиёқи, меҳнати, билими ва тажрибасига яраша ҳосил оляпти. Кимдир оиласи эҳтиёжини қондирса, ким учундир томорқа тадбиркорлик манбаи ҳисобланади.

**ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН** Вилоятнинг Ғаллаорол тумани табиий иқлим шароити билан бошқа туманлардан фарқ қилади. Шу боис, туман аҳолиси чорвачилик билан бир қаторда мева-сабзавотчилик билан ҳам шуғулланади. Аҳоли томорқасида олиб борилган ишлар кузга

ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 200 миллион сўм эвазига артезан кудук қазиш режалаштирилган.

#### ҲАР ҚАРИЧИДА БАРАКА БОР

Бахтиёр аканинг ҳовлисига кирган кишининг ҳайратланиши табиий. Негаки, ҳовлида ўстирилаётган турфа хил мевали дарахтларнинг шигил ҳрсилдан қўз узолмайсиз. Томорқа гирдидаги ҳар бири қучоққа сигмас теракларни айтмайсизми?!

– Шу боғ оиламизнинг асосий тирикчилик манбаи, – дейди хонадон соҳиби. – Нақш олмалярни кўряпсизми? Ҳам чиройли, ҳам қарсиллаган, бозоригир олмаляр. Яна яхши томони, пўсти қалин бўлгани учун қишда сифатини йўқотмай, янги узилгандек, тураверади. Олма пишмасдан “закалат” бериб кетишади...

Богбонлик ҳамда деҳқончилик ҳадисини олган Бахтиёр аканинг боғида бўш жойнинг ўзи йўқ. Қатор ораларига, офтоб тушадиган жойларга сабзи, пиёз, картошка, помидор, бақлажон, ошқуки каби қозонга тушадиган экинлар экиб қўйилган. Богбон бу йил ҳам томорқасига 200 туп мевали дарахт кўчатларини экди. Бу оилда ҳеч ким вақтни беҳуда ўтказмайди. Каттаю кичик боғ оралайди. Акалари Абдурасул, Абдурашид, Баҳодир, укалари Мамарасул, Баҳромларнинг кўмагида дарахтлар таги меҳр билан юмшатилиб, маҳаллий ўғит солинади, меъёрида сугорилади.

Ҳамқишлоқлари бу боғларнинг ўрни бир пайтлар тошшоқ ер бўлганини яхши билишади. Бугун бу ажойиб боғни кўриб, инсон меҳнати, иродасига қойил қолишади.

– Боғингиздан бир йилда қанча даромад оласиз?, – қизиқиб сўраймиз.

– Э, буни ким ҳисоблабди, дейсиз, укажон, – кулади Бахтиёр боғбон. – Шу боғ туфайли уй қуряпмиз, тўй қияляпмиз. Шу-да энди...

Ғаллаорол туманининг Қўй-Таш шаҳарчасида яшовчи Бахтиёр Эгамқулов ва унинг серфайз, аҳил оиласига ҳаммининг ҳаваси келади.

Тургунбой МУҚИМОВ

# Томорқа – қут-барака манбаи

Имкониятлардан етарли даражада фойдалана олмаётганлар ҳам кам эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда томорқа хўжалигини ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан ҳудуддаги ҳар бир маҳалла, ҳар бир қишлоқда ишчи гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди.

#### ОЁҚ ОСТИДАГИ “МИЛЛИОНЛАР”

Масалла “Туёқли” маҳалла фуқаролар йиғини мисолида ёндашадиган бўлсак, ушбуларни қайд этиш мумкин. Маҳалладаги ҳар бир хонадонда томорқа хўжалигини ривожлантириш учун бир қатор ишлар олиб бориляпти. Мутахассислар томонидан ташкил этилаётган учрашуларда томорқада деҳқончилик билан шуғулланишга доир илгор тажрибалар, иссиқхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, экинлар агротехникаси, уруғлик, кўчат ва кимёвий ўғитлар таъминоти ва оид маълумот ва тавсиялар берилляпти. Бу ишга ҳар бир маҳалладан ҳурматли отахону онахонлар жалб этилиб, улар томонидан тарғибот ишлари олиб бориляпти.

– Маҳалламизда 527 та томорқага эга хонадон мавжуд бўлиб, улар 33 гектар экин майдонига эга. Биз ана шу майдондан самарали фойдаланиш юзасидан иш олиб бориляпти, – дейди “Туёқли” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Тўхтабоев. – Хонадонларда ҳосилдорлиги юқори, кам ҳудудни эгаллайдиган пакана ва ярим пакана ме-

вали дарахт кўчатлари экишни тавсия этияпмиз. Иссиқхоналар барпо этиш, уларда ҳосил етиштириш агротехникаси, бу йўналишда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар тақдим этилди. Маҳалламизда юздан зиёд иссиқхона мавжуд. Ҳозирда 6,5 гектар майдонга “тўқсонбости” экинларини экиш ишларини бошлаб юбордик. Томорқа хўжалигини ривожлантиришнинг яна бир ижобий жиҳати бор. Бу тадбир орқали оилда фарзанд меҳнатга ўрганади, унда тадбиркорлик, деҳқончилик маданияти шаклланади.

Бу борада эришилаётган натижаларга – аниқ мисолларга келадиган бўлсак, Янгиобод кўчаси 44-хонадонда яшовчи Фотима Бегимқулова бундан бир неча йил олдин ҳовлисида 2 сотих майдонда иссиқхона барпо этди. Аини пайтда ихчамгина иссиқхонада 400 туп бодринг қўчатининг ҳар тупдан 5 килограммдан ҳосил олиб бозорга етказиб бермоқда. Бу 6 миллион сўм даромад дегани. Бодрингдан бўшаган иссиқхонада редиска етиштирилади. Йилига бу ердан тўрт марта ҳосил олинишини ҳисобга олсак, 2 сотих майдондан қарийб 25-30 миллион сўм даромад олинмоқда. Фотима опа бундан ташқари, 3 сотих очик майдонга саримсоқпиёз эккан. Қиш ойларида уни қўчат шаклида бозорга олиб чиқиб сотади. Оила аъзолари муъжазгина 5 сотих томорқасидан бир йилда 85-90 миллион сўм даромад олмақда.

келиб ўз самарасини бера бошлади. Бугунги кунда туманда 26 мингдан зиёд томорқага эга хонадонлар мавжуд. Улар 3 минг 770 гектар майдонга эга. Агарда бажарилган юмушлар Ғаллаорол тумани кесимида кўриб чиқилса, ютуқлар ва натижалар янада яққол кўринади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тумандаги 34 нафар томорқа ер эгаларига Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 490 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Хусусан, иссиқхонани ривожлантириш учун 6 та лойиҳа, паррандачилик учун 25 та, қуёнчилик учун 2 та, асларичилик йўналишида 1 та лойиҳа қўллаб-қувватланди. Натижада 43 та янги иш ўрни яратилди.

Туман Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлардаги томорқаларга сув етказиб бериш учун артезиан кудукларини қазийга доир масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Бу йил тумандаги сув етиб бориши оғир бўлган ҳудудларимизни сув билан таъминлаш учун 2 та артезиан кудук қазиш режалаштирилган, – дейди туман Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Суннатилло Зиятов. – “Саврук” маҳалла фуқаролар йиғинида Қиш ойларида уни қўчат шаклида бозорга олиб чиқиб сотади. Оила аъзолари муъжазгина 5 сотих томорқасидан бир йилда 85-90 миллион сўм даромад олмақда.

### ЎЭълонлар

#### “O`SIMLIKLARNI HIMOYA QILISH ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI” MЧК

2020 йил учун таянч докторантура (PhD)га ва докторантура (DSc) га 06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисослиги бўйича танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан келинган таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги” 304-сонли қарорига мувофиқ, Ўсимликлар карантини илмий маркази 2020 йил учун таянч докторантура (PhD)га ва докторантура (DSc)га 06.01.09 – Ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисослигига танлов эълон қилади.

- Таянч докторантура (PhD)га қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:
- ▶ Ариза;
  - ▶ Паспорт нусخаси, расм 3/4;
  - ▶ Қисқача биографик маълумотнома (объектлик);
  - ▶ Олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусخаси;
  - ▶ Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
  - ▶ Нашр этилган илмий ишлар рўйхати (3,4 шаклда) ва уларнинг нусхалари;
  - ▶ Танланган илмий иш мавзуси;
  - ▶ Илмий раҳбарнинг розилик хати;
  - ▶ Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиш мумкин бўлган натижалар бўйича илмий журналларда қамади битта ва иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган тезисларга эга бўлганлар.

Докторантура (DSc) учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган;
- илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш;
- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ҳужжатлар 2020 йил 15 сентябрдан – 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: 111215, Тошкент вилояти Қибрай тумани Бобур кўчаси 4-уй.  
Телефонлар: (71) 260-48-52, (71) 260-48-53.

#### “AUTO BEST AUCTION” MЧК очиқ аукцион савдога таклиф этади.

АТБ “Савдогар” банкнинг 2019 йил 19 сентябрдаги 272-шў бўйруғига асосан савдога 2012 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 767 ХАА Chevrolet Lasseti русумли автомашинаси бошланғич нархи 45 070 000 ва 2014 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01 088 КСА Chevrolet Cobalt русумли автомашинаси бошланғич баҳоси 44 066 000 сўм қўйилади.

Аукцион савдо 2019 йил 4 ноябрда соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдода қатнашиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилинади. Қўбул вақти соат 10:00 дан 15:00 гача.

Манзил: Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 30-уй. Тел: (+998 97) 463-94-64.  
“Auto Best Auction” MЧК

Юнусобод т. ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган “DAVON OT-TRANS” MЧКга тегишли бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Чилонзор т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган “GRAND LUX-TRAVEL” MЧКга тегишли бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Учтепа т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган “RESTAURANT AL HILAL” MЧКга тегишли бир дон думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

“LUX HOTEL BUSINESS” MЧК (СТИР 306593990) устав фонди 4 355 443 000 (тўрт миллиард уч юз эллик беш миллион тўрт юз юз минг) сўмдан 20 000 000 сўмгача қамайтирилди. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. 6-мавзе, 31-уй, 25-хонадон.

